**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАФЕДРА ГЛАЗНЫХ БОЛЕЗНЕЙ**

**«Утверждаю»**
заведующий кафедрой глазных
болезней проф. А.Ф.Икрамов
____________________________
Протокол № ___________ 2005й

**«Утверждаю»**
председатель хирургического
отделения ММХ проф. Ф.Н. Нишанов
____________________________________
Протокол № ________________ 2005й

# Методические указания к практическим занятиям

**По глазным болезням для студентов**
**7 курса педиатрического факультета**

**Тема:**

# БОЛЬ В ГЛАЗУ И ПРИДАТКАХ ГЛАЗА. СИНДРОМ «КРАСНОГО ГЛАЗА».

**АНДИЖАН**

**РАЗДЕЛ КУРСА:** ГЛАЗНЫЕ БОЛЕЗНИ

**ТЕМА ЗАНЯТИЯ:** БОЛЬ В ГЛАЗУ И ПРИДАТКАХ ГЛАЗА.

СИНДРОМ «КРАСНОГО ГЛАЗА»

## I. ОБОССНОВАНИЕ ТЕМЫ

Многие заболевания глаза и придатков глаза протекают с болевым синдромом, что является немаловажной проблемой в офтальмологии.

Ковок касалликларидан куйидагилар огрик билан кечади. Ковокда куйдаги касалликларни аниклаш мумкин: ковок абсцесси, говмичча – ковоклар киприкли киррасининг тери остидаги ёг безчаларининг йирингли ялигланиши, мейбомиит – ковок тогай ичидаги мейбомий безларининг ялигланиши, блефарит, халазион, сарамаз.

Конъюктива пастки ва юкори ковокларнинг ички сатхини беркитиб ёпишиб ётади. Ковоклар шиллик пардаси – конъюнктиванинг ялигланиши конъюнктивит дейилади. Улар уткир кечадигон ва сурункали хилда булади. Конъюнктивитларнинг вужудга келиш сабабларига карамай, умумий белгилар бир-бирига ухшайди – санчик сезади, ёт жисм тушгандаги каби сезги булади, куз сокасининг кон томирлари кенгаяди.

Куз ёши аъзоларидаги йирингли ялигланиш касалликларидан куйидагилар хам огрик симптоми билан кечади. Говмича, йирингли - ярали блефарит, ковок абсцесслари, еш копчасини флегмонаси ва ердамчи аппарат жарохатлари. Куз ёши без ва куз ёши йулларининг ялигланиши купинча сурункали булади. Микроблар, бактерия, вирус ва замбуруглар тасири остида вужудга келади. Буларга организимнинг умумий сурункали касалликлари ва куз ёши йулларининг торайиши сабаб булади.

«Кизил куз» синдроми куздаги куриш вазифасини пасайтирмасдан кечиши. Куйидагиларни ташкил этади:

1. Ковок хамда еш йулларини уткир ялигланиш касалликлари.
2. Коньюнктивитлар.
3. Эписклерит ва склеритлар.

4. Говмича.

5. Ковок абсцесслари

6. Уткир дакриоаденит

7. Уткир дакриоцистит

8. Дематитлар

Барча кизил куз синдромларида куз олмаси ва ковоклар шиллик кавтларида бир неча хил инъекциялар (кизаришлар) кузатилади: юзаки инъекция, перикорнеал, аралаш инъекция.

**МАКСАД**

Талабалар энг куп учрайдиган огрик билан кечувчи куз касалликларини билишлари. Кузда уткир кизариш билан кечувчи ялигланиш касалликларини билишлари.

**ТАЛАБА АМАЛДА БАЖАРИШИ КЕРАК**

Талабалар ассистент ёрдамида ковок касалликларини аниклаш усулларини урганиш керак.

Бармоклар ёки ковок кутаргич ёрдамида ковокларни куришни урганиши керак.

Куз ёш канали ва копчасини утказувчанлигини текшириш, куз ёш безини куришни урганиши керак.

Конъюктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш усулларни урганиши керак.

Ковокни ва ёг безларни йулларини массаж килишни урганиши керак.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлашни урганиши керак.

Конъюктивадан суртма олишни урганиши керак.

Кузда кескин кизаришлар билан кечадиган касалликларни аниклаш.

Кизариш турларини ажрата олишни билиш.

Кизил куз синдромини бошка касалликлар билан дифдиагностика килиш.

**ТАРБИЯ МАКСАДИ**

Беморга тугри ташхис куйиш, хамда назорат давомида даволаниш даражаси ва натижаси хакида тушинча олиш.

## МАШГУЛОТ МАВЗУСИНИ ИНТЕГРАТИВ АЛОКАСИ

| МАНБАЛАР | ДАРС МАВЗУСИ | ЧИКИШ |
|---|---|---|
| Мейёридаги анатомия.<br>Булим: Курув органнинг тузилиши<br>Худойбердиев А.Р.<br>Гистология.<br>Булим: Курув органи<br>Афанасьева Ю.А.<br>«Куз касалликлари» Хамидова М.Х<br>«Куз касалликлари» Ерошевский<br>«Кизил куз синдроми» Internet. | Ковоклар, куз ёши аъзолари касаллик-лари, конъюктива касалликлари | Офтальмология<br>Бакалавр<br>Умумий амалиёт шифокори.<br>Магистр |

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УТИШ РЕЖАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСМИ

| Машгулот даврлари | Вакт | Утиш жойи | Укув куроллари |
|---|---|---|---|
| Ташкилий кисм.<br>Буладиган дарсни мухока-маси.<br>Утган мавзуда талабарни билимини текшириш.<br>Талабаларни ковок касалликлари, ёш йули касалликлари буйича билимни текшириш.<br>Ковок касалликлари хакида маълумот бериш.<br>Танаффус.<br>Ёш йули касалликларини ташхис килиш, даволашни | 5 мин.<br>10 мин.<br><br>15 мин.<br><br>20 мин.<br><br><br><br>15 мин.<br><br>5 мин.<br>15 мин. | Машгулотлар поликлиникада ёки шифохона укув хоналари-да олиб бори-лади. | Плакатлар.<br>Слайдлар.<br>Видео материаллар.<br>Офтальмоскоп. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| талабаларга тушунтириш.<br>Талабаларни мустакил ишлари.<br>Танаффус.<br>Олинган маълумотларни гурух билан мухокама килиш.<br>Машгулот якуни. | 60 мин.<br><br>5 мин.<br>10 мин.<br><br><br>10 мин. | | |

## МУСТАКИЛ ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН САВОЛЛАР

Квинке иши хакида тушунча беринг?

Блефарит турларини айтинг?

Кандай ковок яллигланиши процессларини болаларда куриш мумкин.

Говмичча касалликларини асоратларини сананг?

Коньктивитларда кандай бактериал флора купрок учрайди.

Ёш копчаси флегмонасини даволаш усулларини айтинг?

Дакриоденит нима?

Трахома кузгатувчиси.

Адиравирусли коньктивитда карантин неча кун давом этилади.

Сурункали йирингли дакриоциститни даволаш усулини айтинг?

## ДАСЛАБКИ НАЗОРАТ

Талабалар нормал анатомия ва гистология фанларидан ковоклар, куз ёши аъзолари ва конъюктива тузилиши хакидаги билимларини назорат килиш керак.

## ДОИМИЙ НАЗОРАТ

Блефарит турларини айтинг?

Говмичча касалликларини асоратларини cананг?

Ёш копчаси флегмонасини даволаш усулларини айтинг?

Дакриоденит нима?

Сурункали йирингли дакриоциститни даволаш усулини айтинг?

Квинке иши хакида тушунча беринг?

Кандай ковок яллигланиши процессларини болаларда куриш мумкин.

Коньктивитларда кандай бактериал флора купрок учрайди.

Адиравирусли коньктивитда карантин неча кун давом этилади.

Трахома кузгатувчиси.

## ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

Бемор чап ковогида секин катталашаётган усмасимон хосила борлигидан шикоят килияпти. Объектив: чап юкори коввогининг урта унгдан бир кисмида думалок шаклда, нухат дони катталигидаги хосила бор, ушлаб курганда каттик, ковок тогай сохасида ёпишган, тери харакатчанг. Ковок шиллик пардасида, хосила оркасида шиллик парда кизарган. Иккала кузнинг оптик кисмида патология йук. Сизнинг ташхисингиз? Кандай даволашни тавсия киласиз?

Бемор 4 ёшда. Кузни очолмаслик, ковоклар шишига. Анамнездан: отаси уйга кирганда акасини кулида марганцовка идиши борлиги аникланган. Объектив: ковоклар шишган, ёш окиш бор, ковоклар ва куз олмаси шиллик каватлар корамтир рангда куйган жойлар. Сизнинг ташхисингиз? Кандай даволашни тавсия киласиз?

## ТЕСТ НАЗОРАТИ САВОЛЛАРИ

1.Ковок кайси касалликларида кучли огрик беради?

А) блефарит.

Б) блефарофимоз.

В) ковок абсцесси

Д) ячмень (говмича).

2. Шиллик пардага тушган ёт жисм кайси йул билан аникланади?

   А) ён томондан ёриглик тушириб.

   Б) гониоскопия.

   В) танометрия.

   Г) Сивцев таблицаси ёрдамида.

   Д) рефрактометрия.

3. Шиллик парда функцияси?

   А) химоя.

   Б) химоя, озиклантириш.

   В) озиклантириш.

   Г) ёш суюклигини ишлаб чикариш.

   Д) куз ички суюклигини ишлаб чикариш.

4. Юкумли касалликларда ковокларда кандай узгаришлар аникланади ?

   А) кмзариш, шиш.

   Б) блефарит.

   В) флегмона.

   Г) ячмен (говмича).

   Д) кукариш, кичишиш.

5. Блефароспазм нима?

   А) мугуз парда ялигланиши.

   Б) ковок чеккаларини ялигланиши.

   В) корачини кичик булиши.

   Г) олдинги камерада кон булиши.

Д) ковок ёрикларини кисилиши.

6. Ковоклар неча каватдан иборат?

   А) 2.

   Б) 3.

   В) 6.

   Г) 5.

   Д) 4

7. Болалар ковокларида кандай яллигланиш жараёнлари булиши мумкин?

   А) микроблефарон.

   Б) блефарит, ячмень (говмича).

   В) криптофтальм.

   Г) блефарохалазис.

   Д) тугри жавоб йук.

8. Куздаги инъекциялар тури?

   А) юзаки, чукур, аралаш, димланган

   Б) димланган,

   В) окарган

   Г) юкоридаги жавоблар хаммаси тугри.

**ЖАВОБЛАР**

1. В. 2. А. 3. А. 4. А. 5. Д. 6. Д. 7. Д. 8. А

**АМАЛИЙ КУНИКМАЛАР РУЙХАТИ**

Огрик билан кечувчи касалликларни аниклаш ва шу беморларни куриш.

Талабалар ассистент ёрдамида ковок касалликларини аниклаш усуллари.

Бармоклар ёки ковок кутаргич ёрдамида ковокларни куриш.

Куз ёш канали ва копчасини утказувчанлигини текшириш, куз ёш безини куриш.

Конъюктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш усуллари.

Ковокни ва ёг безларни йулларини массаж килиш.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлаш.

Конъюктивадан суртма олиш.

Аралаш, димланган инъекцияларни ажратиш.

## МУСТАКИЛ ИШЛАРГА АЖРАТИЛГАН ВАКТ

Поликлиника шароитида огрик билан келган касалларни куриш – 20 мин.

Конъюктива копчасига малхам куйиш ва томчилаш усуллари, ковокни ва ёг безларни йулларини массаж килиш – 20 мин.

Конъюктивадаги ёт таналарини пахтали тампон ёки игна ёрдамида олиб ташлаш – 20 мин.

Конъюктивадан суртма олиш – 20 мин.

Поликлиникага  кузи кескин кизариши, ешланиши билан мурожат килган беморларни куриш ва текшириш – 20 мин

## МАШГУЛОТГА КЕРАКЛИ НАРСАЛАР

Плакатлар, слайдлар, видео материаллар, офтальмоскоп, муляж.